
АДАБИЁТ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАР! – ВИЛОЯТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН “АДАБИЁТ КУНЛАРИ” КАТТА НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройида вилоятимизда катта тантаналар билан ташкил этилган “Адабиёт кунлари” доирасидаги тадбирлар якунига бағишланган адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг адабиётга, маънавиятга бўлган юксак эътиборларидан ва маданий ҳаётимиз равнақи борасидаги қарор ва топшириқларидан келиб чиқиб, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг жорий йилнинг 23 октябрь куни қабул қилган фармойишига асосан ўтказилган “Адабиёт кунлари” Республикамиздаги таниқли ёзувчи ва шоирлар, драматурглар, журналистлар, олимлар, адабиётшунослар, ёшлар ва адабиёт ихлосмандларини ўн кун давомида ўзида жамлади.

Бугунги тадбир сўзни муқаддас деб билган аждодларимизнинг, адабиёт намояндаларининг сиймолари гавдаланган театрлашган сахна чиқишлари билан бошланди.

Ҳазрат Навоий, Увайсий, Анбар отин шеърятидан гўзал байтлар айтилди. Эркин Воҳидов қаламига мансуб “Инсон ўзинг” қасидаси эса турли тилларда куйланди.

Анжуманда қатнашган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бундай адабиёт байрамлари давомли бўлишини, фақат марказларда эмас, балки чекка-чекка ҳудудларда ҳам ҳар чоракда бир маротаба адабий тадбирлар, форумлар ташкил этиш режаси ишлаб чиқиладиганини таъкидлади. Меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик билдирди.

Адабиёт кунларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ижодкорлар ва уларнинг оила аъзоларига фарғонача лутф билан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир давомида сўз олган меҳмонлар ҳам ушбу адабиёт байрамини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳисса қўшган вилоят ҳокимлиги ва фарғоналик ижод аҳлига ташаккур айтдилар. Сахнада гўзал шеърлар, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Анвар Обиджон қаламига мансуб қўшиқлар янгради. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринкилик улашди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-12-04 09:10:52